

# Сийрат дарслари (150-дарс). Тақдир Аллоҳдан



19:00 / 20.08.2021 3288

553. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳамзанинг қизига уйланишларини ишташди. Шунда у зот: **«У менга ҳалол бўлмайди, чунки у эмикдош акамнинг қизидир. Қариндошлик туфайли ҳаром бўлганлар эмикдошлик туфайли ҳам ҳаром бўлишади»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

554. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир сўриш ёки икки сўриш ҳаром қилмайди»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

*(Яъни, чақалоқ бегона аёлнинг кўкрагини бир ёки икки марта сўрса, аммо қорнига етгунча эммаса, шаръий эмиш собит бўлмайди. – Тарж.)*

555. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Киши ўз биродари совчилиги устига совчилик қилмайди ва ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмайди. Бир аёл аммасининг устига ва холасининг**

**устига никоҳланмайди. Ҳеч бир аёл ўз синглисининг товоғини бўш қолдириб, ўзи никоҳланиб олиш учун унинг талоғини сўрамасин. Албатта, унга ҳам тақдир қилингани бўлур».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**